

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



АЛИБЕКОВ УМУРЗОҚ., МАМАТОВ ШАРОФИДДИН

ЭТНОЛОГИЯ ФАНИДАН ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ

(5120300-Тарих таълим йўналиши талабалари учун)

Гулистон-2015

ББК: 63.2

УДК: 930

А-49

N

Алибеков У., Маматов Ш. “Этнология фанидан изоҳли луғат”. (Тарих таълим йўналиши талабалари учун). –Гулистон: Университет, 2015. -48 бет.

Ижтимоий-иқтисодий факултети ўқув-услугий Кенгашининг 2015 йил 24 ноябрь № 3-сонли мажлиси қарори билан чоп этишга тавсия этилган.

Ушбу услубий кўрсатмада этнология фанинг моҳияти, тадқиқот объекти, ва аҳамияти кенг қамровли ёритилиб, этнология фанига доир замонавий изоҳли атамаларининг мазмун-моҳияти атрофлича очиб берилган.

Услугий кўрсатма 5120300 тарих йўналиши талабалари, АЛ ва КХКлари, мактаблар тарих фани ўқитувчиларининг этнологик адабиётлар моҳиятини кенгқамровли тушунишлари ва тарих фани дарслари самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Маъсул муҳарир: т.ф.н. Д.Сангирова

**Тақризчилар: т.ф.н. Н.Мирзаева
т.ф.н. Б.Тўйчибоев**

**ББК: 63.2
УДК: 930**

КИРИШ

Ўзбек халқи этнологиясини илмий асосда ўрганиш ва ундан Ўзбекистон тарихини ўқитиш жараёнида фойдаланиш умумтаълим мактабларида тарих фанини ўқитишнинг самарадорлигини оширишда, ёшларда ватанпарварлик ва байналмилаллик туйғуларини шакллантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбек халқи этнологияси тарихимизнинг энг қизиқарли, мураккаб ва муҳим томонларини ўрганишга ёрдам беради. Кўп асрлик кўҳна тарихга эга бўлган ўзбек халқи этнологиясини тўла қамраб олган асар ҳанузгача яратилмаган.

Этнологик билимлар авлод-аждодларимиз яратган моддий ва маънавий бойликларни эъзозлашга, қадриятларимизни асрашга ва мустақил ижодий изланишга ўргатади. Шунингдек, мактабларда, АП КХКларида, Олий таълимда этнографик маълумотлар тўплаш ва улардан фойдаланиш ўқув-тарбиявий ишлар савиясини давр талаблари асосида янада юқори поғонага кўтаришда тарих фани ўқитувчиларига катта ёрдам беради.

Ҳозир аксарият ўқувчилар ўзбек халқининг келиб чиқиши (этногенези), тарихий ўтмиши ва маданиятини яхши билмайдилар. Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши, миллий ўз-ўзини англаш ва қадриятларимиз тикланаётган бир пайтда ўзбек халқи этнологиясини ўрганишнинг аҳамияти тобора ошмоқда. Шу сабабли сўнгги йилларда фақат ўқувчиларгина эмас, балки аҳоли барча қатламлари орасида ҳам ўзбек халқининг ўтмиш тарихига қизиқиш сезиларли даражада кучайди.

Ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда, улкан вазифаларни амалга оширишда ўлка этнологиясини ўрганишнинг аҳамияти каттадир, бинобарин. халқимизнинг ўтмиш бой тарихи, моддий ва маънавий маданияти, маросим ва анъаналарини чуқур билмасдан туриб ҳозирги катта ўзгаришлар даврида олға қараб ҳаракат қилчш жуда қийин,

албатта.

Тарих ўқитишда этнографик материаллардан фойдаланиш ўлка тарихи ва маданиятини чуқурроқ ўрганишнинг муҳим омилларидан биридир. Ўрта мактабларда тарих дарсларида ва синфдан ташқари ишларда ўзбек халқининг ўтмиш тарихи, ўқувчи яшаб турган жой халқларининг келиб чиқиши, хўжалиги, моддий маданияти, ижтимоий ва никоҳ-оила муносабатлари, дини ва эътиқодлари, ҳозирги турмуш тарзи фақат этнологик маълумотлар асосидагина чуқур ўрганилади. Тўпланган этнографик материаллар эса таълим муассаларида ўқув-тарбиявий ишлар самарасини оширишга ёрдам беради.

Маълумки, тарихни ўқибгина қолмай, уни англаб олиш, идрок этиш ва илмий хулосалар чиқариш керак. Шу сабабдан таълим муассаларида тарих бўйича машғулотларнинг ҳар бир соати бўлажак фуқаро дунёқарашини шакллантирувчи, унинг атроф оламга, инсонларга, ўз-ўзига муносабатини белгиловчи ахлоқ сабоғи бўлмоғи лозим. Тарихий меросдан ўқувчиларда ватанпарварлик ва ўз халқининг ютуқлари учун ифтихор туйғуларини шакллантиришда моҳирлик билан фойдаланиш жуда муҳим.

Ушбу услубий кўрсатмада этнографик атама ва тушунчаларнинг кенг қамровли изоҳи берилган бўлиб замонавий этнология фани атамалари, ўзбек халқи этнологиясига доир манба ва адабиётлардан, архив ҳужжатларидан фойдаланилди. Мазкур қўлланма ўзбек халқи этнологияси юзасидан таълим муассалари ўқитувчиларига таълим самарадорлигини оширишда яқиндан ёрдам беради, деган умиддамиз.

ЭТНОЛОГИЯ – ХАЛҚШУНОСЛИК ҲАҚИДАГИ ФАН

Этнография атамаси қадимги юнон сўзлари - «этнос» - халқ, «графос» - ёзиш сўзларининг бирикувидан ташкил топган бўлиб, унинг туб маъноси «халқларни таърифлаш», «элшунослик» демакдир. Айрим мамлакатларда этнография этнология, маданий антропология ёки халқшунослик номлари билан ҳам юритилади. Баъзи олимлар этнография - таърифловчи фан, этнология эса назарий фан деб ҳисоблайдилар. Ҳозир этнология атамаси этнография билан тенг равишда қўлланилмоқда. Кўпчилик олимлар бу иккала атама ҳам тарихий фан тармоғини англатади, деган фикрни билдирмоқдалар.

Этнографлар бирон халқнинг ҳозирги турмуш ва ҳаётини ўргангани социологлар билан ҳамкорликда ишлайдилар. Социолог омманинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, алоқасини ўрганса, этнограф оила удумлари ва рўзғор тутиш анъаналарини ўрганади. Сўнгги йилларда этнографияга йўлдош тармоқлар вужудга келди: этник социология, этник психология, этник лингвистика, этник антропология, этник география, этник демография ва ҳоказо. Этнограф ўтмишни тадқиқ қилар экан, архив материаллари ва музей коллекцияларига ҳам суянади.

Бундан ташқари этнология ёзма манбалар, географик ҳужжатлар, моддий ва маиший материаллардан ҳам самарали фойдаланади. Мана шу хусусиятлари билан этнология бошқа тарихий фанлардан фарқланади. Этнограф ҳозирги замонга оид манбаларни бевосита ўша халқ турмуши ва ҳаётини кузатиш асосида синчиклаб ўрганади.

Этнологик билимлар энг қадим замонлардан пайдо бўлган бўлса-да, лекин мустақил фан сифатида XIX асрнинг ўрталарида вужудга келган. «Этнография» сўзи

илгари ҳам тилга олинган, аммо алоҳида фанни ифодаламаган эди. Дастлаб бу атамани XVII аср бошларида немис ёзувчиси Иоганн Зуммер ишлатган, XVIII аср охирлари ва XIX аср бошларида (1808 йилда) шу ном билан махсус журналлар чиқа бошлаган. «Этнография» атамаси машҳур француз олими, табиатшуноси ва физиги Жан Жак Ампер томонидан 1830 йилда таклиф қилинган эди.

Россияда «этнография» атамаси аввал XIX аср бошларида онда-сонда учраб турган, кейин янги фан сифатида расман эътироф этилган. Бу даврда кўпгина илғор мамлакатларда этнология фанига эътибор кучайди, алоҳида илмий жамиятлар пайдо бўлди, этнологик журналлар ва илмий асарлар нашр этила бошланди.

Маълумки, дунё табиатининг ранг-баранглиги сабабли унда яшовчи аҳолининг этник тузилиши ҳам шу қадар турли-тумандир. Олимларнинг берган маълумотларига кўра, сайёрамизда этносларнинг сони қарийб тўрт мингга етади. Шуларнинг 257 тасидан зиёди бир миллион кишидан ортиқ айрим халқлардан иборат бўлиб, жаҳон аҳолисининг 96 фоизини ташкил этса, дунёдаги энг кам сонли аҳолига эга бўлган 1,5 мингдан зиёд халқлар бир фоизини ташкил этади. Тили жиҳатдан бир-биридан ажралиб турадиган кишилар бирликларининг сони эса уч мингдан зиёд¹.

Халқлар иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан энг кучли ва ривожланган кўп сонли этнослар доирасида муайян иқтисодий, ҳудудий ва тил умумийлиги негизида вужудга келган.

Ҳозирги пайтда «халқ» тушунчаси турли маънода ишлатилади. Баъзан бир гуруҳ кишилар «халқ тўпланди» деб айтилса, гоҳо-гоҳо муайян ҳудудда яшаган турли миллат ва элатлар ҳам халқ деб юритилади. Масалан,

¹ Жабборов И. Жаҳон халқлари этнографияси. Тошкент, «Ўқитувчи», 1985, 3-4-бетлар.

«Америка халқи», «Ҳинд халқи», «Кавказ халқи».

Тарихдан маълумки, ҳозирги сиёсий ва миллий атамаларнинг кўпчилиги қадимги Юнонистонда икки-икки ярим минг йиллар муқаддам пайдо бўлган. Жумладан, «демократия» ёки «демография» атамалари негизини «демос», яъни халқ деган сўз ташкил қилади. Шу маънода, яъни аҳолининг асосини ташкил қилувчи «халқ» тушунчасини англатувчи яна бир сўз - «этнос» ҳам ишлатилган. Мазкур сўзлардан ташкил топган махсус фан соҳалари ҳам пайдо бўлган. Масалан, «демография» фани жаҳон аҳолисининг сони, жойланиши, табиий ўсиши ва миграция (кўчиш) жараёнини ўрганади. Лекин жаҳондаги халқ ва элатлар ўз тили, келиб чиқиши, моддий ва маънавий мадаиияти, маиший турмуши ва психологияси билан ҳам бир-бирларидан ажралиб туради.

Бирон-бир халқни кенг таърифлашда унинг маданиятига хос хусусиятларни махсус ўрганиш зарур. Бундай ўзига хослик кундалик юриш-туришда, урф-одатда, муомалада, уй-жойлар қуриш ва безашда яққол кўринади. Дунё халқларининг анъанавий уй қуриш усуллари турличадир. Масалан, меланезияликлар уйни қозиқ устига қурсалар, Жануби-Шарқий Осиё халқлари сув устнда сузувчи уйлар қурадилар. Марказий Осиё халқларининг синч уйлари, ўтовлари, Кавказ халқларининг баланд уйлари, эскимосларнинг қор уйлари - ҳар бир халқнинг ўзига хос яшаш тарзини белгиловчи муҳим белгидир.

Моддий маданиятда халқ анъаналари орасида тезда кўзга ташланадиган белгилардан бири таомларнинг хилма-хиллигидир. Бунда айрим халқлар «ҳаром» деб санаган озуқани бошқа халқлар бемалол истеъмол қиладилар. Айрим халқлар (славянлар) фақат мева ва сабзавот билан кун кечиришса, баъзилар (Шимол

халқлари) гўшт (ёки балиқ гўшти) билан тирикчилик қиладилар. Аксарият халқларда у ёки бу озуқани истеъмол қилиш ман қилинган. Будда динидаги ҳинд халқи мол гўштини, ислом динидагилар эса чўчка гўштини истеъмол қилишмайди. Жаҳонда ҳаттоки сут ва сут маҳсулотларини истеъмол қилмайдиган халқлар ҳам бор. Полинезияликлар эса ит гўштини тансиқ таом ҳисоблайдилар.

Дунё халқларида оила қуриш билан боғлиқ маросимлар ҳам бир-биридан тубдан фарқланади. Ҳозир Ер юзидаги аксарият халқларда бир никоҳлилиқ (моногамия) мавжуд, лекин баъзи ҳудудларда кўп никоҳлилиқ (полигамия), ҳаттоки Тибет халқларида, Ҳиндистоннинг баъзи ерларида кўп эрлилиқ (полиандрия) ҳам сақланиб келмоқда. Шунингдек, унаштириш, никоҳ тўйлари ҳам турличадир. Масалан, Калимантан оролида яшовчи пунан қабиласида йигит ва қиз қабила оқсоқоли ҳузурига келиб, оила қуришга аҳд қилишганини билдиришади, холос. Афғонистондаги коша қабиласида тўй икки кун, Ҳиндистоннинг баъзи элатларида саккиз кунгача давом этади. Европа халқларида тўйларга фақат яқин қариндош-уруғлар, Марказий Осиё ва Кавказ халқларида қариндош-уруғлардан ташқари таниш-билишлар, меҳмонлар ҳам таклиф этилади. Баъзи халқларда келин-куёвнинг тўйда иштироки тақиқланади. Шунингдек, эр-хотиннинг ажралиши ҳам турлича: католик динига сиғинувчиларда ажралиш тақиқланган бўлса, ислом динига эътиқод қилувчиларда ажралиш ҳақида эр хотинига маълум қилса (талоқ қилиш) ўзи кифоя.

Кундалик турмушда кишиларнинг хулқ-атвори турли халқларда хилма-хил. Шарқ халқларида хотин эрнинг номини айтмай, тўнғич ўгли ёки қизининг номи билан атаган. Европаликларда эса бунинг акси. Булғорларда

бошини сарак-сарак қилиш ризолик аломати, бошини силкитиш эса эътирозини билдиради. Японлар машъум хабарни тингловчини ортиқ ҳаяжонга солмаслик учун жилмайиб етказишади. Жаҳондаги халқларнинг саломлашиши ҳам турлича: аксарият халқларда қўл бериб кўришишади, қўл силкитишади, бош иргитишади, елка теккизишади. Ҳиндистонда икки қўлини пешонасига теккизиш, Тибет халқларида тилни чиқариш саломлашиш аломати ҳисобланади.

Анъанавий турмуш маданиятига алоҳида эътибор бериш асосида этнология дунё маданиятининг энг муҳим жиҳатларини очиб берадиган муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради. Этнологик тадқиқотлар ибтидоий жамоа тузумининг илк босқичларидаги маданий тарихни тиклашда алоҳида аҳамият касб этади, шунингдек «барча халқ ва элатлар маданий тараққиётга қодир эканлигини исботлайди.

Ҳозирги пайтда этнологларнинг илк жамоа тузumi шаклланган даврда кишилар ўртасидаги муносабатларни таҳлил этиши тобора қийинлашмоқда. Чунки ҳозир Ер юзида ибтидоий жамоа тузumiда яшаётган ёки ўша тузум қоидаларига риоя этаётган қабилани топиш қийин. Бундай қабилалар ўтган асрда ҳам жуда оз бўлган. Хусусан, Тасмания оролининг охирги туб вакили 1876 йилда вафот этган. Ҳозир Австралиянинг туб жой аҳолиси аборигенлар ҳам жуда оз қолган. Фақат Янги Гвинея ва Жанубий Америка чакалакзорларидаги оз сонли қабилалардагина ибтидоий жамоа хўжалиги юритиш мавжуд, холос.

Этнологларнинг диққат марказида айни вақтда халқ ва элатларнинг маиший ва маданий ҳаётида вужудга келаётган барча янгиликлар, туб ижтимоий ўзгаришлар, турмуш тарзидаги умумий ва хусусий белгилар ва бошқа муҳим масалалар кўндаланг бўлиб турибди. Тарихий

этнология йўқолиб кетаётган халқ ва элатлар, ўтмишдаги этник жараёнлар, маиший турмуш ва маънавий маданият хусусиятларини ўрганиш билан шуғулланмоқда.

Инсон ақл-заковати ва қўли билан яратган ҳамма нарса маданият этнологияси ҳисобланади. Маданият ҳам ўз навбатида моддий ва маънавий маданиятга бўлинади. Транспорт, меъморчилик иншоотлари, уй-жойлар, кийим-кечак, зеб-зийнат, қурол-яроғ, меҳнат қуроллари ва шу кабилар моддий маданиятни ташкил қилади. Маънавий маданиятга эса инсонларнинг ақл-заковати билан яратилган адабиёт, санъат, ёзма манбалар, фан, фалсафа, оилавий ҳаёт, диний эътиқод, маросимлар, турли удумлар ва шу кабилар киради. Этнология фақат моддий маданият билан маънавий маданият ўртасидаги асосий фарқларнигина ўрганиб қолмай, балки улар ўртасидаги ўхшашлик ва умумий қонуниятларни ҳам ўрганади. Бу масалаларни ҳал этиш эса инсониятнинг умумий тарихий тараққиёти қонуниятларини билиш имкониятини беради.

Этнологлар олдида турган кенг ва хилма-хил масалалар этнология фанини бошқа яқин фан соҳалари билан узвий боғлабгина қўймай, унинг ўзини ҳам бир қатор бўлимларга бўлиб юборди. Хўжалик ва техника тарихи, халқ меъморчилиги ва тасвирий санъат, урфодат ва маросимлар, этник тарих ва оилавий ҳаёт, кийим-кечак ва уй-рўзғор, ижтимоий-маиший турмуш ва ҳоказолар ана шундай бўлимлардир.

ЭТНОГРАФИК-ЭТНОЛОГИК ТУШУНЧАЛАР ВА АТАМАЛАР

Абориген (юнон.)- жойнинг туб аҳолиси, қадимдан шу мамлакатда яшовчилар.

Аванкулат (лот.)-тоға; бу тартибга кўра онанинг ака-укалари (тоғалар) билан болалари (жиянлар) ўртасида махсус муносабатлар ўрнатилган, тоға жиянларининг тарбиясига ва тақдирига жавобгар бўлган.

Автохтон (юнон.)- туб аҳоли, маҳаллий ер эгаси бўлган халқ; мамлакатнинг ибтидоий аҳолиси ёки аборигенлар.

Агнат (лот.)— ота насаби бўйича қариндошлик.

Адапция (лот.)— ўғил ёки қиз қилиб асраб олиш.

Ака-ука тутиниш(побратимство) – мазкур бўлимдаги атамалардан қуйидагиларни қайд қилиб ўтамиз: келиб чиқиши турлича бўлган эркакларнинг қариндошлик муносабатида бўлиш ҳақида олган мажбурияти, бу мажбурият қон билан ёки битта аёл билан яшаб кетиш орқали мустаҳкамланади.

Аккомадация, адаптация (лот.)- одамларнинг янги этник муҳитга мослашуви.

Акультурация (инглиз., лот.)- маданиятларнинг ўзаро бирикув жараёни.

Алоҳида оила, кичик оила (индивидуальная семья(малая семья) – узоқ вақт давомида бирга яшашдан иборат бўлиб, уруғчилик- ота уруғи ижтимоий институтига қарама-қарши туриш белгиларига егадир.

Анимизм (лот.)— жон, рух; дунёда рухлар жонлар шаклидаги кучдир деган ибтидоий дин шакли. Анимистик тасаввурлар мана шундай маънода ибтидоий эътиқодлар ва динларнинг барчасида у ёки бу тарзда мавжуддир. Бу тушунчани ўтган асрда илм-фанга кирган Е.Тейлор анимизмни “энг кам қуйи дин”, умуман диннинг

дастлабки босқичи деб қараган.

Антропогенез (юнон.)- одамнинг пайдо бўлиш жараёни. Антропогенез - инсон жисмоний қиёфасининг шаклланиши, меҳнат фаолиятининг, шунингдек, жамиятнинг кундалик ривожланиш жараёни. Антропогенез ҳақидаги таълимот антропология тармоғи ҳисобланади.

Антропология (юнон.) - одамнинг келиб чиқиши ва эволюцияси, одамзод ирқларининг пайдо боиши, одамнинг тана тузилишидаги нормал фарқ, тафовут, ўзгарувчанлик ҳақидаги фан. Антропологлар одамнинг суяк тузилиши, тери ва сочининг ранги ва бошқа типлари, физиологик, жинсий ва бошқа хусусиятларини ўрганади. Антропология ижтимоий фанларга жуда яқин турадиган биология соҳасидир. Бу фанга доир фикрлар бундан бир неча минг йил илгари пайдо боиганига қарамай, у фан сифатида фақат XIX асрнинг иккинчи ярмидан шакллана бошлади. Антропологиянинг муҳим соҳаси - одам организмнинг тузилиши ва ривожланишига жуда таъсир қиладиган физиологик, биокимёвий ва генетик омилларини ўрганадиган бўлим «Одам биологияси» деган умумий ном билан XX асрнинг ўрталаридан бошлаб ривожланди. Одамнинг пайдо бўлишида фақат табиат оламининг қонуниятларигина эмас, балки ижтимоий омиллар ҳам муҳим рол ўйнаган.

Антропологиянинг фан бўлиб ривожланилишида табиат ва жамият тўғрисидаги фанлар ижобий рол ўйнади. Замонавий фан нуқтаи назаридан айтганда, антропология қуйидаги учта катта боғимдан иборат: 1) Одам морфологияси; 2) Антропогенез; 3) Ирқшунослик (этник антропология).

Антропологик тип - муайян ҳудудга мансуб одамзотнинг тузулишидаги ирқий турғун белгиларнинг шаклланган мажмуи. Бу атама билан катта ирқлар,

уларнинг бўлимлари ҳам ифодаланади.

Апартеид, апартхейд (бур.)-Жанубий Африка Республикаси ерли халқлари тилида «ажралиб яшаш» ёки «ажралиб ривожланиш» деган маънони англатади. Туб халқлар ва бошқа европалик бўлмаган аҳолига нисбатан қўлланилган шафқатсиз ирқий камситиш сиёсати.

Ассимиляция (лот.)- ўхшатиш; қиёслаш; қўшилув, сингиб кетиш; ривожланган мамлакатлардаги майда этник гуруҳларни узоқ давр мобайнида йирик миллатлар тили ва маданиятини ўзлаштириб, шу миллатга сингиб кетади ва ўзини шу миллат вакили деб ҳисоблайди. А. табкий-ихтиёрий ва зўрма-зўракилик оқибатида ҳам бўлиши мумкин.

Ателчество(туркча тарбиячи) – аванкулатнинг алоҳида бир тури бўлиб, болани бегона оилада тарбиялашдир. Бундай расм-русмлар патриархал жамиятларда мавжуд бўлган ва ҳозир ҳам бор.

Бигменлар (инглиз.)- жамоада мавқеи билан ажралиб турувчи раҳбар эркаклар; йўлбошчилар.

Билингвизм (лот.)- икки тиллилик.

Генеалогия (юнон. шажара) - ёрдамчи тарих фанларидан бири, XVII - XVIII асрларда вужудга келган. Билимларнинг амалий соҳаси, шажаралар тузиш, уруғ ва оилаларнинг келиб чиқиши, айрим шахснинг тарихий ва қариндошлик алоқаларини ўрганади.

Генезис (юнон.)-келиб чиқиш; Этнографияда этносларнинг келиб чиқиши.

Геронтократия (юнон.)-оқсоқоллар ҳокимияти.

Гетеризм (юнон.)—ибтидоий ва илк синфий жамиятда тартибсиз, никоҳсиз ва эркин жинсий алоқа қилиш.

Гинекократия (юнон.)—оила ва жамиятда аёлларнинг ҳукмронлиги.

Гипергамия (юнон.)-юқори даражага мансуб бўлган киши билан никоҳга кириш.

Гипогамия (юнон.)-қуйи даражага мансуб бўлган киши билан никоҳга кириш.

Гуруҳли никоҳ - никоҳнинг қадимги шаклларида бири бўлиб, унда бир фратрия, яъни бир неча уруғдан ташкил топган қабила кичик қисмининг эркаклари ўзлари каби бошқа гуруҳнинг аёллари билан никоҳ муносабатида бўлиши мумкин.

Дискриминация (лот.)-камситиш, хўрлаш, паст назар билан қараш, ирқига қараб таъқиб қилиш; айрим шахс ёки давлатнинг бошқа шахслар, ташкилот ёки давлатларга нисбатан ҳуқуқларини атайин камситиш.

Дислокал (лот.)—эр-хотиннинг ажралган ҳолда яшаши.

Демистикация (лот.)- ўсимликлар ёки ҳайвонларни хонакилаштириш.

Жамоа (араб.)- асосан ибтидоий жамоа тузумига хос бўлиб, айрим ҳолларда синфий жамиятда ҳам узок вақт сақланиб қолувчи кишилар бирлашмалари шаклларида бири. Жамоа учун ишлаб чиқариш воситалари (кўпинча ер)га жамоа бўлиб эгалик қилиш, ўз-ўзини идора этиш ҳуқуқидан тўла ёки қисман фойдаланиш характерлидир. Жамият тараққиёти жараёнида Ж. шакли ва мазмуни ўзгара боради. Ж.нинг уруғ жамоаси, қишлоқ жамоаси, уй-оила жамоаси, қўшничилик жамоаси ёки ҳудудий жамоа каби кўринишлари мавжуд.

Жуфт оила(парная семья) – жуфтларнинг бирга яшаш ва ўзига ўхшаш авлодларни етиштириши учун барқарор бўлмаган қўшилмаси; у группавий никоҳга анча мос келади ва уруғчилик жамияти шароитида оиланинг мустақил эмаслигини акс эттиради.

Ибтидоий жамоа тузуми - кишилик жамияти тарихидаги дастлабки тузум. Инсон пайдо бўлгандан

бошлаб синфий жамият келиб чиққангача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчилик мавжуд бўлиб, синфлар ва эксплуатация бўлмаган. Ибтидоий жамоа жуда узок-1 млн. йилдан зиёд, баъзи олимлар фикрича 2,5 млн. йилдан кўпроқ давом этган ва ўз ўрнини синфий жамият-қулдорлик тузумига бўшатиб берган.

Ижтимоий-этник жамоа табиий-тарихий шаклланган кишиларнинг барқарор уюшмаси, унга келиб чиқиш ва ривожланиш умумийлиги белги ва хусусиятлари хосдир. Ижтимоий-этник жамоа тушунчаси “этнос”, “этнос тарихий умумийлик”, “этник умумийлик” тушунчаларининг мазмуни билан ўхшаш, булар этнография ва бошқа ижтимоий фанлар доирасида тадқиқ этилади.

Инициация (лот.)-бағишлаш; ибтидоий даврда ўсмирларни вояга етган эркак ва аёллар сафига ўтказиш маросими. Ислонда ўғил болалар суннати И. ҳисобланади.

Инновация (лот.) - янгиланиш; мерос ва анъаналарнинг авлоддан-авлодларга ўтиши натижасида маданиятда вужудга келган янги кўринишлар.

Интеграция (лот.) - тикланиш, тўлдириш, турли халқларнинг бирлашуви, турли этносларнинг бир ҳудудда этник-маданий алоқалар ўрнатиш жараёни.

Ирқ (араб.)-илдиз, томир; одамларнинг келиб чиқиши, гавда тузилиши ва қиёфаси ўхшаш бўлган, тарихан таркиб топган ҳудудий бирлигидир. Кишилар ташқи қиёфаси (тери, кўз ва сочининг ранги, соқолининг қалин ёки сийраклиги, бўй-басти, юз тузилиши, бош суягининг шакли ва бошқа белгилари)га қараб, гуруҳларга ажратилади. Жаҳондаги барча халқлар тўртта катта ирққа бўлинади: европеоид (евро-осиё), монголоид (Осиё-Америка), негроид ва австролоид

(Океания). Булардан ташқари, аралаш ирқий бирикмалар ҳам мавжуд. Ҳар бир ирқ яна бир қанча майда гуруҳларга ҳам бўлинади.

Ирқлар - *Ҳомо Сапиенс* тури ичидаги систематик гуруҳлар. Ҳар бир ирқ ўзига хос ирсий белгилар, маслан, кўз, соч ва тери ранги, юз ва бош қутисига биноан бошқа ирқлардан фарқ қилади. Ҳозирги одамлар 3 та: экваториал (негроид, австралоид), европоид (евро-сиё), монголоид (осиё-америка), ёки 5 та (негроид, австралоид, европоид, монголоид, американоид) йирик ирқларга боинади. Ҳар бир ирқ ичида яна кичикроқ ирқ, яъни кенжа ирқ бўлади. Масалан, экваториал ирқ, негр, негрилл, бушмен ирқ, австралия ва бошқа ирқларга; европоид ирқ еса Атлантика-Болтиқ, Ҳинд-ўрта денгизи, ўрта Европа ва Арктика, Жанубий Осиё ва бошқаларга ажралади.

Ирқлар палеолитнинг сўнгги даврларида бундан 40-30 минг йил аввал одам ер юзини эгаллаши билан шакллана бошлади. ўша даврда кўпчилик ирқ белгилари мослашиш хусусиятига эга боиганлигидан муайян муҳит шароитида табиий танланиш туфайли мустаҳкамланиб борган. Масалан, экваториал ирқда терининг қора ранги ультрабинафша нурлар таъсиридан ҳимояловчи, бурун қатагининг кенг боиши нам тропик иқлим шароитида сув буғланишини кучайтирувчи, тананинг узун бўлиши, тана юзасини тана ҳажмига нисбатан кенгайтириш орқали терморегуляцияни амалга оширувчи восита сифатида вужудга келган.

Барча ирқлар *homo Sapiens* га хос бўлган умумий хусусиятларга эга, уларнинг барчаси биологик ва психик жиҳатдан тенг бўлиб, эволюцион ривожланишнинг бир хил поғонасида туради. Ҳамма ирқлар маданият ва цивилизация енг юқори даражада ривожланишида бир хил имкониятга эга. Ҳозирги замон фани мав- жуд

ирқлар бир хил қобилиятга эга эмаслиги, улар еволюциясининг турли босқичларида турганлиги тўғрисидаги ирқчилик ғояларини инкор этади. Ирқларани миллат, «тил гуруҳи» тушунчалари билан арал- аштириб юбормаслик лозим. Битта миллат таркибида ҳар хил ирқлар ва аксинча битта ирқнинг ўзи турли миллатлар таркибига кириши мумкин.

Камлание - шомоннинг руҳлар билан алоқа ўрнатиш учун амалга оширадиган махсус ҳаракати.

Каста (*лот., порт.*)-тоза, бенуқсон, оқсуяк; бошқа тоифа билан аралашмаган тоифа, табақа; Қадимги Миср, Ҳиндистон ва Шарқдаги бошқа баъзи мамлакатларда ўз аъзоларининг насаб ва имтиёзли ҳуқуқлари, одатлари ва касб-ҳунарларига қараб алоҳида табақага ажралган ижтимоий гуруҳ (руҳонийлар, савдогарлар, деҳқонлар, брахманлар кастаси мавжуд).

Клан - уруғ, қабила.

Конгломерат (*лот.*)- бирикиш, қўшилиш, боғланиш, тўпланган - турли тоифа ва элатларнинг уюштирилишидан ташкил топган, ижтимоий-сиёсий тузум (масалан, қулдорлик ва феодализм даврида тузилган йирик давлатлар).

Консолидация (*лот.*) - тил ва маданият жиҳатдан яқин, қон-қардош бўлган халқларнинг ягона бўлиб бирлашуви, этносларнинг бир-бирларига яқинлашиб, араллашиб кетиши.

Когнат (*лот.*) - туғилиш бўйича қариндошлик; ота ва она насаби бўйича қариндошлик.

Креоллар, криоллар (*француз.-ипс.*) - Америкада туб жой аҳолисидан ва метрополиядан келганлардан тубдан кескин фарқ қиладиган этник гуруҳлар.

Кросс - кузен (*инглизфранцуз.*) - тоға ва амма қизи билан никоҳда бўлиш.

Қувада (*француз.*)-тухум босиш; отанинг болага

нисбатан ўз ҳуқуқини тасдиқлаш учун ўтказиладиган одат, масалан, ҳиндуларда она туғаётганда ота ҳам туғаётгандек кўрпа ичига кириб олиб оғир кучаниб ётиши расм бўлган.

Кунсткамера (*немисча*) - ноёб этнографик, табиий-тарихий ва бадиий асарлар музейи. Россияда К. Пётр I томонидан 1714 йилда Петербургда ташкил этилган. Ҳозир Россия Фанлар академиясининг Улуғ Пётр номидаги Антропология ва Этнография музейи.

Кузен (*француз.*) - тоға-жиан.

Левират (*лот.*) - ибтидоий никоҳ шакли бўлиб, бу одат бўйича ака ёки ука ўлган акаси ёки укасининг хотинига уйланган.

Линидж (*инглиз.*) - аниқ бир авлоддан келиб чиққан яқин қариндошларнинг уруғ ичидаги гуруҳи.

Локалик (локалност) – никоҳдан ўтган жуфтларнинг ўрнашиш жойи(қуйидагича вариантлар бўлиши мумкин: **матрилокалик** – она уруғида, **патрилокалик** – ота уруғида, **билокалик** – навбат олган ота ва она уруғида ўрнашиш: **аванкулокалик** – эрининг онасининг **укасиникида**, **неолокалик** – эр-хотин ота-оналаридан алоҳида яшайдилар, **дислокалик** – эр-хотин ҳар бири ўзининг уруғи ўрнашган жойда яшайди).

Маданият (ар.) - инсон қўли ва ақл-идроки билан яратилган моддий ва маданий бойликлар. Рус тилида «култура» сўзи аслида лотинча сўз бўлиб, «ишлаб чиқариш», «ясаш», «яратиш» деган маънони англатади. Маданият тушунчаси тарихий давр (антик маданият), аниқ жамият, элат ва миллати ҳамсжа фаолияти ёки ҳаётининг ўзига хос соҳаларини тавсифлаш учун қўлланилади. Маданият моддий ва маданий маданиятга бўлинади. Моддий маданиятга хўжалик қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечаклар, безаклар, таомлар, идиш-товоқлар, тураижойлар ва бошқалар кирази.

Маънавий маданиятга еса оила-никоҳ муносабатлари, урф-одатлар, маросимлар, еътиқодлар, тасвирий санъат, фолклор кабиларни ўз ичига олади. Моддий ва маънавий маданият бир-бири билан узвий боғлиқдир.

Маросим (ар.) - диний ёки анъанавий урф-одатлар муносабат-лари билан ўтказиладиган маърака, йиғин: тантанабилан уюштириладиган расмий йиғин.

Магия (лотинча *магия* – жодугарлик, афсунгарлик)– инсоннинг ғайри табиий воситалари ёрдамида воқеаларнинг табиий жараёнига, моддий предметларга ёки бошқа кишига таъсир кўрсата олиш қobiliяти. Ўзининг функционал вазифасига кўра магия бир неча хил номларга эгадир – овчилик, ишлаб чиқариш, севги-муҳаббат, шифоловчи, зарар келтирувчи, уруғга ёрдамлашувчи магиялар. Магия ўзининг умумий йўналиши бўйича адолатли равишда таъсир кўрсатиш(унинг мақсади – таъсирга учраган объектни магик ҳақикатни бажарувчи, кутаётган ҳаракатни амалга оширишга ёки шундай ҳолатда бўлишга мажбур қилишдир) ва сақловчи магия (унинг мақсади – шахсни ёки жамоани душманнинг ҳар қандай магик таъсир кўрсатишидан ёки ташқи кучларнинг номақбул таъсиридан ҳимоя қилишдир). Баъзан бу икки хил типни қора ва оқ магия деб аташади. Магик ҳаракатларни амалга ошириш расмларига кўра улар яқка тартибдаги ва жамоа тарзидаги ҳаракатлар бўлиши мумкин.

Матриархат (лот., *юнон.*) - она ҳокимияти; оила ва жамиятда онанинг ҳукмронлиги. Уруғчилик жамиятининг оилада ва ҳаётда она раҳбарлик ролини ўйнаган, қардошликда у асос ,ҳисобланган ибтидоий шакли.

Матрилокал (лот.) - она атрофида тўпланиш; бу ибтидоий никоҳга кўра эр хотинникига кўчиб ўтган.

Матронимия (*юнон.*) - ўзларини умумий бир ота насабидан келиб чиққан деб ҳисобловчи одамлар

гуруҳи.

Метис (француз.) - аралаш, ҳиндулар билан европаликларнинг аралаш никоҳидан пайдо бўлган авлод.

Миграция (лот.) - кўчаман; жойни ўзгартираман; аҳолини бир жойдан иккинчи жойга ёки бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчириш.

Микроэтнос - маҳаллий халқ ёки миллат ичида баъзи жиҳатлари (шеваси, моддий ва маънавий маданияти, диний тасаввурлари) билан ажралиб турган майда этнографик гуруҳлар.

Миллат – этнос тури, кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий умумийлиги асосида тарихан юзага келади. Миллат ҳудуд, тил, иқтисодий алоқалар, қиёфасининг тузилиши, маданияти ва ўзлигининг ўхшашлиги билан тавсифланади.

Миллатга мансублик – кишиларнинг у ёки бу ижтимоий-этниқ умумийлик: миллат, элат, миллий гуруҳ ёки этниқ гуруҳга тааллуқлиги.

Миллатчилик – миллий хусусият талабларида намоён бўлувчи ғоявий- руҳий ва ижтимоий сиёсий оқим. Оддий тушунчага кўра миллатчилик ўзига хос ижтимоий-руҳий мажмуа сифатида намоён бўлади, у барқарорлиги ва давомий мавжудлиги, унсурларнинг тизимлаштирилмаганлиги, намоён бўлишининг чуқур ва кучлилиги билан фарқланади. Унда бир томондан ўз халқига бўлган муносабат мезонлари, яъни севги, кўникканлик, фидойилик, садоқат, мағрурлик ва ҳоказолар бирлашади. Шахснинг этниқ ўхшашлиги билан таққослашнинг бу ўзига хос тури ҳисобланади, бунда мазкур гуруҳ бошқалардан ажралиб туради, ижобий эмоционалликда аён бўлади, турли хил хайрихоҳликка ега бўлади.

Миллий гуруҳ – 1) у ёки бу миллат ёки элатнинг

катта бўлмаган қисми; 2) бошқа миллат муҳитидаги миллий озчилик; 3) айни этник(этнографик) гуруҳ; 4) бошқа мамлакатга саёҳатга ёки чет елга ўқиш учун борган бир миллатга мансуб кишилар гуруҳи.

Миллий озчилик – чегаранинг ўзгариши, миграция ёки куч билан кўчириш натижасида у ёки бу халқдан бирор қисм ёки гуруҳнинг ажраши натижасида юзага келган этник жамоа шакли.

Миллий муносабатлар - кўп миллатли ва умуммиллий жамият ичидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисдий, маданий, тил ва бошқа муносабатларнинг синтезлашуви. Улар турли даражада мавжуд бўлади ва ривожланади, яъни давлатлараро ва миллатлараро, ижтимоий ва шахсий миқёсда.

Миллий урф-одатлар - тарихан шаклланган, муайян миллатга мансуб шахсларнинг кундалик турмушига хос одатлар. Булар муайян миллий муҳит, миллий гуруҳда намоён бўлади ва унинг аъзолари барчаси учун одатга айланади. Бундай урф-одатлар миллий ривожланишда ворисликни сақлайди, маданият турмуш тарзига миллий кўриниш бахш этади, диний ақидаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади. Шу билан бирга ескирган миллий урф-одатлар аста-секин тарихий ривожланиш жараёнида янгилари, анча илғор ижтимоий муносабатларни ўрнатишга ёрдам берувчи янгилари билан алмашади. Тегишли тарзда миллий урф-одатлар янги ва ескига, шаҳар ва қишлоқ, шунингдек тарихий, ватанпарварлик, диний ва маиший қисмларга бўлинади.

Миллий маҳдудлик (предрассудки) – бошқа миллат вакилларига нисбатан иккинчи бир миллатга мансуб шахслар бир қисмида одатга айланиб қолга сохта қарашлар. Атайлаб бузиб талқин қилинган ҳодисалар ёки урф-одатлар, удумлар, анъаналарни нотўғри талқин

қилиш, шунингдек ривоят, афсона, миш-мишлар ва ҳоказолар туфайли юзага келади.

Миллий тузилма 1) мамлаат аҳолисининг миллий таркиби; 2) миллий белгилар бўйича кўп миллатли давлат тузилмаси; 3) миллатлар, элатлар ва этник гуруҳларнинг жамиятда ўзаро жойлашуви; 4) айна этник тузилма.

Миллий руҳият – инсон руҳиятининг миллий асосдаги ривожланиши, унинг борлиғи, онги ва шахснинг миллий маданиятда шаклланиши, умуминсоний маданиятга бориб тақаладиган унинг ижодидаги миллийликнинг ворисийлиги.

Моногамия (юнон.) - никоҳ, якка никоҳлилик. М. бир эрнинг бир аёл билан мустақил никоҳи заминида бирга яшашга асосланган оилавий ҳаёт; М. никоҳ шаклларида бири бўлиб, ибтидоий жамоа тузумининг емирилиш даврида вужудга келган.

Моногам оила(моногамная семья) - жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ячейкаси. Этнографияда ижтимоий омил ҳисобланган оиланинг абадийлиги ва ҳақида гап кетганда ҳудди шу моногам оила ҳақида гапиришади.

Монотизм(юнон) – якка худолик, фақат битта худога сиғинувчи, биргина худони еътироф етувчи диний еътиқод.

Мулат (испан.) - қора танлилар билан европаликларнинг аралаш никоҳи натижасида пайдо бўлган авлод.

Мулк белгиси, баъзан “тамға” атамаси (знак собственности) ишлатилади, (у рус тилига турк тилларида кирган) - у уруғга ёки унинг айрим аъзосига тегишли бўлган нарсалар ёки бошқа буюмдаги(масалан, чорва молларидаги) махсус белгини акс еттиради.

Муқаддас жойлар ва объектлар(священные места и объекты) – этнос томонидан алоҳида ҳурмат-эҳтиром

билан қараладиган жойлар ва ўша жойлардаги моддий объектлар бўлиб, улар аجدодлар ва руҳларнинг яшаган жойлари ёки таъсир кўрсатиш соҳалари деб қаралади. Ана шундай жойлар ва объектларни алоҳида ажратиб кўрсатиш амнистик, тотемистик тасаввурлар билан, ўлганлар ва ота-боболарнинг руҳлари билан боғлиқдир. **Қабр**(могила) – якка тартибда(камдан-кам иккита ва ундан кўп) марҳумларни дафн этиш одатга хос тарзда махсус шаклда марҳум учун ҳозирланган чуқур, хандақ. **Қадимги гўристон**(могилник) – одатда этник хусусиятга эга бўлган айрим қабрларнинг тизими(мазкур этник гуруҳ аъзоларини дафн этиш жойи). **Майит билан бирга кўмиладиган жиҳозлари** (сопровожительный инвентар) – қабрга ёки қабр устига марҳум билан бирга қўйиладиган ески-туски нарсалар, меҳнат қуроллари, кийимлар, қуроллар, озиқ-овқат ва шунга ўхшаш нарсалар жами. **Кўмиш маросимлари** (нагребелнўе обрядў) – вафот этган уруғ ёки оила аъзосини кўмиш билан боғлиқ бўлган саъй-ҳаракатлар жами бўлиб, кўпинча барқарор анъанавий хусусиятга эга бўлади.

Неолокал (юнон., лот.) - эр-хотиннинг ўз ота-оналари ва қариндошларидан алоҳида, янги жойда ажралиб яшаши.

Никоҳ (ар.) - эр-хотинликни шариат ёки қонун билан расмийлаштириш маросими, мазкур маросимда мулла томонидан амалга ошириладиган шартнома. Эркак билан аёлнинг ҳуқуқий равишда расмийлаштириладиган оилавий иттифоқи. Эркак билан аёлнинг бир-бирларига ва болаларига нисбатан ҳуқуқи ва мажбуриятларини келтириб чиқарувчи оилавий иттифоқи.

Оила жамоаси - патриархат даврига хос катта патриархал, хусусий оилага уюшган кишиларнинг ҳўжалик, ижтимоий ва ғоявий уюшмаси. Этнографик адабиётларда оила жамоаси уй жамоаси, патриархал уй

жамоаси, катта оила деган бошқа номларга ҳам эга.

Ойкумен (юнон) – жойлаштириш; ер шарининг баъзи қисмларига одамларнинг дастлабки жойлашуви. Маълум ҳудудий ижтимоий ҳўжалик маданий муҳитининг комплекс тушунчаси.

Ортокузен (юнон., *инглиз.*) - амаки, хола; амаки ёки хола қизи билан никоҳда бўлиш.

Патриархат (*лот.*, *юнон.*) - ота ҳокимияти; оила ва жамиятда отакиг ҳукмронлиги; ота уруғи; ибтидоий жамоа тузумида матриархат - она ҳукмронлигидан кейинги давр, оила ҳўжалиги ва ижтимоий муносабатларда эрлар ҳукмронлик қилган давр, оталик даври, синфий жамият ва давлатнинг вужудга келиши арафасидаги давр.

Патрилокал (*лот.*) - эр-хотиннинг эр гуруҳига келиб жойлашуви.

Патронимия (*лот.*) - ота номи; ота насаби бўйича номланиш; бир отадан тарқалган қон-қардош одамлар гуруҳи.

Полиандрия(юнон) – кўп эрлилик. Ҳозирги пайтда Тибет халқларида, Ҳиндистонда ҳам учрайди. Баъзи туркий халқларда қолдиқ шакллари бор. Масалан, қозоқ халқида яқин ўтмишда ҳурматга лойиқ меҳмондан “уюр” олиш, яъни насл олиш маъносида мезбонни хотинига қўшиш одати бўлган.

Полигамия (юнон.) -кўп никоҳлилик, кўп хотинлилик.

Полигиния (юнон.) - кўп хотинлилик.

Политеизм -(юнон.) - кўп худолик, бир неча худога сиғиниш. Синфий жамият вужудга кела бошлаган дастлабки даврларда келиб чиққан жин, дев, руҳ, арвоҳ ва шу кабиларга эътиқод қилиш, Қадимги Миср, Юнонистон ва Римда кўп худолилик мавжуд бўлган.

Популяция (*лот.*) - халқ; ички никоҳ тузиладиган одамлар гуруҳи.

Потестар ташкилоти (лот.) - ҳокимият; этнографияда давлат ва сиёсат вужудга келгунгача бўлган даврдаги бошқарув ташкилотлари П. Т. дейилади.

Промискуитет (лот.) - аралашган: умумий; ибтидоий жамият- да никоҳ ва оила пайдо бўлишидан бурун одамлар гала-гала бўлиб яшаган даврда жинсий алоқаларнинг тартибсизлиги.

Пуналуа (гавай.) - яқин ўртоқ; гавай йўлбошчиларидан, бир нечта ака-уканинг бир нечта қариндош бўлмаган аёллар билан никоҳи.

Самбо (испан.) - ҳиндулар билан қора танлиларнинг аралаш никоҳидан пайдо бўлган авлод.

Сорорат (лот.) -сингил; ибтидоий никоҳ шакли бўлиб, агар хо- тин вафот этса, эр унинг синглисига уйланиш одати.

Субэтнос – этник бирлашма ичидаги субъект, маданияти, тили ва турмуши билан фарқланадиган миллатнинг бир қисми ёки этносни ажратувчи жараён – сепарация натижасида ажралиб чиққан этноснинг бир қисми.

Табу (полинезча) -тақиқлаш, мумкин эмас; ибтидоий жамиятда тақиқлашнинг алоҳида хиллари; баъзи сўзларни айтиш, баъзи овқатларни истеъмол қилишни, никоҳ ва айрим маросимларни тақсимлаш одати. Масалан, овга, териб-термачлаб овқат топишга тайёрланиш ва уни ўтказиш мавсумида жинсий муносабатларнинг ман этилиши. Кейин эса гуруҳлар ичидаги жинсий муносабатлар бутунлай тақиқланган.

Тарихий-этнографик вилоят - маълум ҳудудда жойлашган, узоқ тарихий давр ичида моддий ва маънавий маданиятда умумий хусусиятлар яратган халқлар махсус тарихий-этнографик вилоятларга бўлинади. Моддий маданиятга теварак-атрофдаги

табiiй-екологик шароитга мослашган меҳнат қуроллари, уй- лари, уй-рўзғор буюмлари, таомлари, кийим-кечаклари кирса, маънавий маданиятга халқ яратган турли жанрдаги асарлар, халқ амалий безакчилик санъати, пардоз бериш, диний еътиқод, урф-одатлардаги баъзи умумийликлар киради. Масалан, Америка қитъаси енг катта икки тарихий-этнографик вилоят - Шимолий Америка ва Ло- тин Америкасига бўлинади. Этник ва маданий хусусиятлари билан умураий белгиларга эга бўлган кўп халқлар махсус жанубий Осиё тарихий этнографик регион (минтақа)ни ташкил этади. ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақаси ҳам махсус тарихий маданий вилоят ҳисобланади.

Мамлакатимиздаги Фарғона водийси (Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари), Жанубий ўзбекистон (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари)ни ҳам кичик тарихий-этнографик регион - минтақаларга киритиш мумкин.

Тиллар классификацияси - жаҳон тилларини турли белгиларига кўра ўрганиб, гуруҳларга ажратиш. Тилларнинг генетик (генеалогик) классификацияси уларнинг қариндошчилик белгиларига асосланадиган, яъни умумий ўзак тилдан келиб чиққан тилларни ўз ичига олади: ҳинд-европа тиллари, олтой тиллари, урал тиллари оиласи ва бошқалар. Типологик классификация, генетик ёки ҳудудий яқинликдан қатъий назар, тил тузилиши (морфологик, фонологик, синтактик, семантик) белгиларнинг ўхшашлигига асосланади. Шунга кўра тиллар изоляцияловчи (аморф, тип) қадимги хитой, вьетнам, ёмба (аглютинацияловчи) (аглютинатив тип) туркий тиллар, кўпгина фин-угор тиллари (флекцияловчи) флектив тип (рус тили)га бўлинади. Айрим олимлар инкорпорацияловчи (полисинтетик) тиллари (айри палеосиё тиллари, кавказ тиллар)ни ҳам

ажратадилар.

Табақа (сословие) – мерос бўлиб ўтган касби ва жамиятдаги алоҳида(кўпинча юридик жиҳатдан мустаҳкамланган) мавқеи билан боғланган шахслар гуруҳини акс эттиради. Этнологияда кўпинча жинс ва ёшга қараб бўлиш деган тушунча учрайди, у кишилар жамоасининг хўжалик ва ижтимоий ҳаётда жинси ва ёшига қараб дастлабки ижтимоий бўлинишини акс эттиради.

Тотем (ҳинду.) - уруғчилик тузумининг илк даврида ҳайвон ва ўсимликлар турига ёки жонсиз табиат нарсаларига топиниш.

Тотемизм - ибтидоий диний эътиқодлариинг илк шаклларида бири. Ҳайвонлар, ўсимликлар ва бошқаларнинг бир хиллари тотем дейилган. Ибтидоий халқларда ўз қабилаларига асос солган деб ҳисоблаган ҳайвон ёки ўсимликларга эътиқод қилиш, топиниш; тотемни ўлдириш, истеъмол қилиш таъқиқланган, ҳайвон, ўсимлик ва балиқ номи билан юритилган қабилаларнинг тотем шакли солинган рамзи бўлган.

Туркистон халқлари орасида мусича, қалдирғоч, кўк қарға, лайлак каби қушларга озор бериш гуноҳ деб ҳисобланиши ҳам тотемизмнинг бир кўриниши ҳисобланади.

“Туран-ганован” ва “малайск”(“гавай”) атамалари фақат оила шакллари билан эмас, балки бошқа оилалар ичидаги қариндошлик муносабатлари тавсифи билан боғлиқдир. Уни “Группавий никоҳ” атамаси билан алмаштириш мумкин. Промискуитет билан қисмларга бўлинган қон-қардош оиланинг мавжудлиги ҳудди шу сабабларга кўра, яъни промискуитет мавжудлигининг ўз шубҳа остига олингани сабабли ҳам шубҳа остига олинган.

Травестизм (француз.) - қайта кийиниш; эркалар ва

аёлларнинг бир-бирларини кийимларини алмаштириб кийиш одати.

Традиция (лот.) - узатиш; моддий ва маънавий маданият, ижтимоий ва оилавий ҳаёт анъаналарининг онгли равишда авлоддан-авлодга ўтиши.

Трайбализм, трейбализм (инглиз.) - Осиё ва Африкадаги баъзи этнослар ўзига хослигини сақлаб, бошқа қабилалар ўртасидаги муносабатларни кескинлаштириш сиёсатини олиб бориш; Т.миллатчиликнинг бир кўринишидир.

Трибализм (лот.) - қabila; уруғчилик ташкилотининг салбий қолдиғи бўлиб, қабиладошларни бирлашиб бошқа уруғ қабилаларга зиён етказиш, қабилалараро жанжал, қabila йўлбошчилари таъсири.

Урбанизация (лот.) - аҳоли ва саноатнинг йирик шаҳарларда тўпланиш жараёни. Шаҳарлашув. Ижтимоий тарихий жараён сифатида цивилизациянинг шаҳар маданияти марказларининг вужудга келиши.

Уруғ(эски ўзбекча) – кишиларнинг энг қадимги бирлиги бўлиб, қариндош авлод бир неча ота-онадан тарқалган авлод, кишилик жамиятининг ибтидоий гала давридан кейинги босқичи. Уруғчилик қон-қардошликка асосланган бўлиб, ҳар бир уруғ одамлари бир-бирлари билан хўжалик ва иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлади. Она уруғи (**материнский род**)-она томонидан қон-қариндошлик ришталари билан боғланган қондош қариндош-уруғлар иттифоқи. Ғарбий Оврупо адабиётида ота уруғи атамасининг синоними “клан”дир. Шотландияликлар ота уруғи ташкилотини ана шундай деб атаганлар.

Уруғ жамоаси - ибтидоий жамоа тузумининг асосий ижтимоий-иқтисодий ташкилоти. Унинг илк босқичида, патриархат ва матриархатнинг бошланғич даврлардаги қон-қариндош кишилар гуруҳининг хўжалик, ижтимоий ва

ғоявий уюшмасы.

Уруғчилик жамияти - ибтидоий жамоа тузумининг ибтидоий гала давридан кейин бошланган босқичлардан бири бўлиб, матриархат ва патриархат даврларини ўз ичига олади, хўжалик ва ижтимоий муносабатлар билан боғланган қон-қардошлар гуруҳи. Бу даврда асосий ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисмига (ер, ов қилиш жойлари ва бошқалар) қон-қардош бўлган кишилар гуруҳи эгалик қилган.

Уруғ кенгаши (*совет рода или родовой совет*) – уч уруғнинг иттифоқи бўлиб, улар никоҳ алоқаларини ўзаро бир неча тип бўйича амалга оширадилар: А уруғи эркакларни В уруғига беради, В уруғи, С уруғига, С уруғи еса А уруғига беради. Исм, ном (имя) – уруғнинг номи, у уруғ аъзосининг номига қўйилади, бу ном мерос сифатида бўлиб, ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятга егадир; фамилия – оилавий ном, оиланинг аталиши, ҳозирги маъносида Россияда бундан уч аср илгари пайдо бўлган.

Фамилия (*лот.*) - оила, хонадон, қариндош-уруғ, бир ота-онадан тарқалган авлод.

Фетишизм (португал, абретас – тумор маъносида) – ясалган, тумор, сеҳрли марса; жонсиз ғайри табиий бўлган жонсиз буюмларга сиғиниш, топинишдир. У ўзига сиғинган кишиларга ёрдам кўрсатишга қодирдир. Фетишизмнинг варианты бутпарастликдир. Фетишга, яъни энг моддий буюмга топиниш дастлаб унда алоҳида руҳ борлиги билан унчалик боғланмас эди(фетишларни жонлантириш кейинроқ содир бўлди). Фетишлар одатда ўзининг шакли жиҳатдан одатдан ташқари нарсабуюмлар(тошлар, шох-шаббалар, ҳайвоннинг бўлаклари ва шу кабилар) бўлди

Фольклор (*инглиз.*) - халқ билими, халқ оғзаки ижоди (қисса, эртак, лирик ва маросим қўшиқлари;

лапарлар, топишмоқлар). Ф. энг муҳим этнологик манба ҳисобланади.

Фратрия (лот.)- биродарлик; қабилаларнинг қисмлари; Ф. бир неча уруғ йиғиндисидан иборат бўлиб, уларнинг кўпчилиги битта уруғдан келиб чиққан. Ф. ибтидоий жамоа тузумининг бошларида пайдо бўлган. Фратрия – қабиланинг бўлинмаси бўлиб, дастлаб кўпроқ битта уруғдан пайдо бўлган бир неча ўзаро никоҳли уруғларни бирлаштирган. Қабиланинг энг бирламчи шакли – кам деганда икки уруғнинг қисмлари. Баъзан “фратрия” атамаси уруғнинг аналоги сифатида хато ишлатилади. Экзогамиянинг муқаррар таъсир кўрсатиши фактини ҳисобга олиб, Н.А.Бутинов уруғ ичида алоҳида мироструктура – уруғ ўзагини ажратиб кўрсатишни таклиф этган. Бу тузилма уруғга никоҳ туфайли кириб қолган келгиндиларга қарши турувчи қондош қариндош-уруғларнинг жипслашган гуруҳидир.

Халқ - кишиларнинг кўп қиррали, кенг жамоаси, унинг маъноси қуйидагича: 1) давлат аҳолиси, мамлакат фуқаролари; 2) элат, ижтимоий миллат; 3) мамлакат аҳолисининг асосий меҳнат оммаси; 4) кишиларнинг муайян ёш ёки касбий тоифаси. Бунда тукшунишнинг икки асосий даражаси мавжуд: одатдаги ва назарий. Биринчи маънода халқ, давлат, мамлакатнинг бутун аҳолиси. Иккинчи маънода, бу тарих субъекти, халқ оммаси, у ўз ичига синфлар ва ижтимоий гуруҳларни олади, бу ўзининг объектив ҳолатига кўра жамиятни тараққий эттириш масалаларини ижобий ҳал этишга қодир. Этносоциал жиҳатдан халқ, бу – уруғ, яъни қабилани элат, миллатга айлантирувчи шаклланиш. Муайян социологик жиҳатдан халқ, бу меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши нуқтаи назаридан фаолиятнинг оммавий турларида банд бўлган ижтимоий гуруҳлар мажмуи.

Халқ ягона ижтимоий бир бутунликни ташкил этади, чунки умумий тарихий тақдир турмуш тарзи ва ахлоқнинг ўхшаш белгиларига эга, шунингдек ягона тарихий умумийликка тааллуқлиликини ҳис этади. Биргаликдаги меҳнат фаолияти туфайли халқ жамоавий ижтимоий тажриба(тил, тарихий хотира, маданий қадриятлар ва меъёрлар, турли малака ва ўқувлар) эгаси ҳисобланади.

Худо (бог) - барча синфий даврларда ишонишнинг ҳаёли объекти, инсонлар тақдирига таъсир кўрсата оладиган олий мавжудот(инстант) бўлиб, унинг қудратидан динга ишонувчилар фойдасига ва зарарига фойдаланиш мумкин. Динга ишонувчининг онгида худо одатда ижобий мавжудот сифатида қаралади, шунинг учун атамалар соҳасида уни ишлатишда руҳлар – ғайри табиий мавжудотлар билан алмаштириб юбормаслик керак.

Хўжалик-маданий типлар - жаҳон халқларининг ибтидоий жамият даври (қадимги тош, бронза ва темир асрлари)даги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, турлича табиий шароитда жойлашиши ва мослашиши уларнинг ҳаётида турли типдаги хўжалик-маданиятларни вужудга келтирган эди. Хўжалик-маданий типлар даставвал муайян жамиятда устувор ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлиб, ҳар бир тарихий даврда кишиларнинг теварак-атрофдаги муҳит билан алоқа характериini белгилайди.

Мазкур типлар кишиларнинг машғулотлари ва ишлаб чиқариш қуроллари, турар жойлари ва уй-рўзғор жиҳозлари, таомлари ва кийим-кечаклари, транспорт воситалари ва бошқа типларга қараб, муайян жамиятнинг ижтимоий тузумини ҳам аниқлаш мумкин. Маънавий маданият хусусиятлари, асосан, урф-одатларда, тасвирий санъатда, эътиқоди ва фольклорида ёрқин намоён бўлади. Хўжалик-маданий типларнинг бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги муайян

ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва бир-бирига яқин географик муҳит билан боғлиқ бўлиб, ўзгарувчан характерга эга.

Энг қадимги даврларда пайдо бўлган этносларнинг хўжалик-маданий типи иссиқ тропик ва субтропик иқлимли оилалардаги овчилик, терим-термачилик ва соҳиллардаги балиқчиликдир. Намли тропик ва субтропик жойларда иккинчи маданий-хўжалик типи, ички иссиқ иқлимдаги қўл меҳнатли деҳқончилиги тарқалган бўлиб, бунга қисман овчилик-теримчилик ва балиқчилик ёрдамчи хўжалик ҳисобланган. Иқтисодиёт ва техника тараққиётига янги сифат яратган учинчи маданий-хўжалик типи мотиға деҳқончилик билан чорвачилик қўшилиши натижасида пайдо бўлган эди.

Кейинги даврдаги фан-техника тараққиёти бутун жаҳондаги анъанавий хўжалик маданий типларга жиддий ўзгартиришлар киритди.

Цивилизация - инсоният жамияти илгарилама ҳаракатида эришилган даражани ҳамда моддий ва маънавий қадриятларни ўзлаштириш усулини ифодалайдиган тушунча.

Шаманизм (*тунгус-эвенк.*)-таман, саман - шаманлик; эвенк тилида Ш. руҳоний; ибтидоий жамоа тузуми охирларида вужудга келган динлардан бири. Шаманизм айрим кишилар - шаманларнинг ғайри табиий қобилиятига эга бўлиб ашула айтиш, рақсга тушиш, чилдирма чалиб жазавага тушиб, ёвуз ва саҳий руҳлар билан бевосита муносабатда бўла олганлари учун касалларни даволаш, фол очиш ва бошқа қобилиятга эгаликларига ишонтиришдан иборатдир. Шаманлар гўё руҳларни чақира олар, қўнғироқли чилдирма билан руҳлар маконига саёҳат қилар, уларга илтимос билан мурожаат кила олар эмиш.

Жанубий Сибирь халқларида Ш.ларнинг махсус

белгилари - қўнғироқли чилдирма, турли буюмлар осилган махсус кийимлари ва ўз маросимлари бўлган. Шаманизм Африка, Шимолий ва Шарқий Осиё халқлари (хусусан Ўзбекистонда ҳам) орасида тарқалган. Эски дунёдаги халқларда сўнгги полеолит ва неолит даврида, шунингдек мулкий табақаланган жамиятнинг вужудга келиш даврида учрайди (археология маълумотлари ва қадимги ёзув ёдгорликлари ана шундан далолат беради).

Экзогамия (юнон.) - ташқи никоҳ; муайян бир жамоа (уруғ, фратрия) ичида бир-бирига уйланишни ман этувчи одат. Э. ибтидоий жамоа тузуми даврида оилавий никоҳ муносабатларини тартибга солиш учун вужудга келган. Экзогамия принцинга сўзсиз риоя қилиниши уруғ наслининг тозаланиши, ирсий барқарорликни таъминлаш хўжалик ва оилавий никоҳ ҳаётида муҳим рол ўйнаган.

Элат (халқ – народности) – ягона ҳудуд, тил маданият, хўжалик ҳаёти ва турмуш миқёсида қабилавий муносабатларнинг бузулиши натижасида юзага келган кишилар уюш маси. Элат ижтимоий умумийлик шаклларида бири ҳисобланади, тарихан уруғ қабила бирлашмаларидан келиб чиқади ва улардан муайян мажмуа бўлиб ажралади. Агар уруғ қабилачилик хусусиятлари уларнинг қон-қариндошлик алоқаларининг моҳиятли белгиси бўлса, бунда миллат учун ривожланган иқтисодий макон ҳосдир. Ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан элатга аввало қулдорлик ва феодализм ҳосдир, шу билан бирга у бирор шаклдаги миллий давлатчилик тузилмасини барпо этади. Лекин элат ижтимоий ривожланишининг кейинги босқичларида ҳам мавжуд бўлади, чунки бир қатор сабабларга кўра у миллат бўлиб шакллана олмайди.

Элат- тарихий бирлиги табақаланган жамиятнинг

барча даврларда Ер юзининг турли минтақаларида бошқа этник бирликлар билан бир қаторда мавжуд бўлиб келган. Шунинг ҳисобга олиш керакки, “элат” ва “миллат” атамаларининг айна бир вақтда мавжуд бўлиши яна бир-бирини тўлдириб бориши ҳақида тасаввур беради. Элатлар бирлашиб, миллатлар вужудга келади.

Адабиётларда **“этник гуруҳ”** атамаси ҳам учрайди, уни баъзан этник гуруҳнинг қандайдир бир ўтиш шакли деб қарашади. Кўпинча бу атама тарих майдонидан тушиб кетган бирликларни тарифлаш учун қўлланади.

Умумий илмий атамаларнинг катта гуруҳи этнология томонидан этник тарихга, жаҳон маданияти тарихи муаммоларига нисбатан ишлатилади. Улардан кўплари биология, социологиядан олинган.

Ҳозирги замон сиёсий матбуотидан этнологик адабиётларда **“трейбализм”**, **“трайбализм”** атамалари ҳам кириб келган (инглизча трибе-қабила маъносини билдиради), у Африка ва Осиёдаги ёш давлатларда мавжуд бўлган этник вазиятни тавсифлаб беради. У жойларда мустамлака режими даврида мавжуд бўлган қабилавий алоҳидалик ҳозирги вақтда ҳам сақланиб қолган. Трейбализм бирлашиш жараёнларига салбий таъсир кўрсатади ҳамда қабилалар ўртасида зиддиятлар келтириб чиқаради. Сиёсий матбуотда трейбализм атамаси миллатчиликнинг синоними сифатида фойдаланилади.

XX асрнинг иккинчи ярми этнология учун ибтидоий жамият тарихининг енг муҳим муаммоларига тааллуқли мунозаралар характерлидир. Даврларга бўлиниш муаммолари ижтимоий ячейкани тарифлаш, матриархат-она уруғининг тутган ўрни хусусидаги мунозаралар шулар жумласидан.

Элита (француз.) - танланган, сайланган, ҳар қандай

ижтимоий этник ва профессионал гуруҳларнинг энг яхши қисми, индивид, гуруҳ.

Эндогамия (юнон.) - ички никоҳ; бошқа қабила, уруғ; фақат ўз қабиласи, уруғи, ўз ижтимоий гуруҳига мансуб бўлган наслга уйланиш одати.

Эндоканнибализм (юнон., испан.) - ички одамхўрлик, ўлган қариндошларни, уруғ-қабила йўлбошчилари гўштини истеъмол қилиш одати.

Эпигамия(юнонча аралаш никоҳ) - Д.А.Олддерогге экзогамиядан олдин мажбурий хайрихоҳ никоҳ шакли мавжуд бўлганлигини айтиб, уни **эпигамия**(юнонча аралаш никоҳ) деб атаган. Эпигамия Д.А.Олддероггенинг фикрича, иккита ибтидоий гуруҳ ўртасида ўзаро ёрдам ва ҳимоя муносабатларини ўрнатган. Шунингдек улар ўртасида ўзаро никоҳлар мажбуриятини йўлга қўйган. Бу ўзининг табиий натижаси сифатида **экзогамиядан**(ўз гуруҳида никоҳларни таъқиқлаш), шунингдек **эндогамиядан**(иккита ёки ундан кўпроқ дўстона гуруҳлар доирасида никоҳ мажбуриятлари)иборат бўлган.

Этникос (юнон.) - халқчил; халқ томонидан яратилган.

Этник антропология ва ирқшунослик - антропологиянинг одамзот ирқларининг келиб чиқиш тарихи, сабаблари ва ер юзига тарқалиши ҳамда халқларнинг антропологик таркибини ўрганувчи соҳаси. Миллат ва ирқ одамзод турларининг бирлиги, моногенизм ва полигенизм, одамзод гуруҳлари ва унинг таркибан антропологик бир хиллик даражасини аниқлаш, ирқларнинг классификацияси, дунё халқларининг антропологик таркиби, ирқларнинг ҳозирги даврда тарқалиши ва одамзод бирлиги, ирқий белгиларнинг ўзгарувчанлиги, ирқларнинг керишуви каби масалалари устида тадқиқот олиб боради.

Этник бирлик - кишиларнинг қабила, элат, миллат ва бошқа бирликларидан иборат бўлган, тарихан таркиб топган алоҳида барқарор ижтимоий гуруҳи. Этник бирлик тушунчаси этнологик жиҳатдан «халқ» маъносини англатади. Кишилар бирлашувининг табиий негизи ҳудуд умумийлиги, шунингдек, улар тилининг яқинлиги ва умумийлиги этник бирликнинг вужудга келишига асосий шарт ҳисобланади.

Этник гуруҳ - турмуш ва маданиятнинг айри элементлари (тили, моддий ва маънавий маданиятидаги ўзига хос хусусиятлари, дини ва бошқалар)ни сақлаган халқ ёки миллатнинг алоҳида қисми. Этник гуруҳга, одатда, элат ёки миллатнинг бошқа миллий гуруҳлар билан ассимляцияси ёки элатга ўзининг айрим характерли белгиларини сақлаган ҳолда қўшилиши натижасида, шунингдек, халқнинг бир қисми асосий этник ҳудуддан узоқ вақт узилиб қолиши, миграция жараёнлари, давлат чегараларининг ўзгаришлари ва бошқалар, янги табиий-географик шароитга тушиши натижасида хўжалик ва маданиятда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши билан пайдо бўлади.

Этнографик гуруҳ - маълум бир этноснинг (элатнинг ёки миллатнинг ажралмас қисми, унинг таркибидаги бўлинмалардан) бири бўлиб, ўзининг баъзи хусусиятлари билан тил лаҳжаси, хўжалик фаолияти, тумурш тарзининг баъзи томонлари билан фарқ қилган. Этнографик гуруҳ, одатда, бир қабиланинг, элатнинг ёки миллатнинг иккинчи бир халқ билан аралашиб, бошқа ерга бориб, шу ердаги халқ таркибига кириб, у билан бирга яшаб келиши натижасида вужудга келади.

Этник гуруҳ - тил, маданият, дин, турмушга хос энг аҳамиятли жиҳатларни сақлаган элат ёки миллатнинг ўзига хосланган қисми. Ундай гуруҳга миллий-этник, диний-жамоавий, тил, маданий-маиший белгиларга кўра

ўзига хосланиб субэтник, этноконфессия, этнолингвистик жамоаларни ташкил қилади, булар кейинчалик муайян этносиёсий мавқеини даво қила бошлайди.

Жаҳон тажрибасидан кўринадик, этник озчиликнинг мавқеи, тутган ўрнига ижтимоий-сиёсий турмушнинг барқарорлигига боғлиқ экан. Барқарор бўлмаган вазиятларда кўпроқ ўз ҳуқуқларини таъминлашга кўпроқ ишонч бўлишига муҳтож этник гуруҳлар ўзларини ноқулай сезади, чунки булар ўзига хос маданиятларини йўқотиш хавфи, камситилиш ва хўрланиш хавфи остида бўладилар.

Этнослараро муносабат барча қолган турлар билан тарихан ирга кечаётган гуруҳлараро муносабат тури ҳисобланади. У инсоният ўтмиши билан чуқур боғлиқ, шу билан бирга ижтимоий ҳаётни ташкил этишнинг руҳий қонуниятларига алоқадор, улар қадим антропогенез вақтида туғилган биринчи галда этник гуруҳга мансублик белгиси бўйича “биз” – “улар” қарама-қаршилиги оша ривожланади.

Этник жараён - этник бирлик (элат) билан унинг таркибига кирган этник гуруҳлар ўртасидаги хўжалик, иқтисодий, маданий алоқаларнинг узлуксиз ривожланиб боришидир. Бу жараён икки хил - бўлиниб кетишга ва бирлашишга мойилдир.

Этногенетик жараён - бу жараёнда халқнинг илк илдизлари ҳосил бўлади. Бир қанча этник гуруҳлар бир-бирлари билан яқинлашиб, қўшилиб боради. Этник гуруҳларнинг ташқи қиёфаси, тили, моддий ва маданий маданияти ҳар хил бўлади. Узоқ давом этган этногенетик жараёнда уларнинг ташқи қиёфасида, тилида, моддий ва маънавий маданиятида, феъл-атворида умумийлик ҳосил бўлади. Ўзбек халқининг этногенетик жараёни Қанғ давлати доирасида (милоддан

аввалги III - милодий V асрнинг ўрталарида) ўтган. Кейинги даврларда бу жараён ривожланган.

Этник жараёнлар – этнодаги унинг исталган компонентининг ўзгариши: маданият, тил, ижтимоий тузилма ва ҳақозо айрим унсурларининг ўзгариши. Этник жараёнлар орасида этноэволюция ва этнотрансформацияни алоҳида ажратиш мумкин. Биринчи ҳолда этник тизимнинг айрим компонентлари ўзгариши юз беради, бу ҳол умуман тизимнинг парчаланишига олиб келмайди, у илгари қандай бўлса, унинг сақланиб қолитшини таъминлайди, кўпинча тизим янги ҳолатга ўтади. Шундай қилиб этноэволюция жараёни аввало барча этник ўз ўзини сақлаб қолувчи жараён бўлса, этнотрансформацияда бунинг акси юз беради – барчаси ўзгаради.

Этник конструктивизм - миллат, этносларни қандайдир интеллектуал конструкция сифатида белгиловчи методологик ёндашиш. Бунджай ёндашиш асосан К.Поппернинг “Очиқ жамият ва унинг душманлари”(1945 йил) китобидаги ғоясига асосланади. “Миллатлар, лингвистик ёки ирқий гуруҳлар каби унсурларнинг мавжуд бўлиши тўғрисидаги фикр соф уйдирмадир”. Инглиз тадқиқотчиси Б.Андерсон “Тасаввурдаги жамият, Миллатчиликнинг келиб чиқиши ва тарқалиши ҳақидаги ўйлар” китобида миллатларни тасаввурдаги жамоавий фикр деб атайди, чунки уларнинг ўзи эса инсонлар ҳаёлидаги қандайдир шерикчилик тарзида мавжуддир. Е.Хобсбаум миллатларнинг сунъий эканлигини таъкидлаб, уларни давлат томонидан очилган кашфиёт, ўзига хос ихтиро деб ҳисоблайди. Этнолог Тишков миллатни гуруҳ ичидаги дефинация деб ҳисоблайди, унга “қатъий илмий ёки конструкциявий шакл бериш мумкин эмас”.

Конструктив ёндашиш этнологлар учун

самарасиздир, чунки унинг предметини аниқлик чегарасидан четга чиқаради, уни фикрий ҳодисага айлантиради, унга нореаллик, диний тавсиф бағишлайди.

Этникос(юнон) – халқчил, халқ томонидан яратилган.

Этник психология - социал психология бўлимлардан бўлиб, турли миллий, халқ ва этник гуруҳга хос типик психик хусусиятларни ўрганади. Ўз текширишларида муайян тадқиқот объектининг моддий ва маънавий маданияти, ижтимоий ҳаёти, анъаналари, урф-одати, тил хусусияти, диний қарашлари, шунингдек, ўзига хос тасаввури, кайфияти, иш-ҳаракатлари тизими ва бошқаларга асосланади.

Этник тарих - маълум бир халқнинг илк аجدодларидан бошланиб, элат шаклланиши, унинг тараққиёт этиш босқичларини ва элатнинг емирилиши даврини ўз ичига олади.

Этногенез (юнон.) - келиб чиқиш; турли этник компонентлар базасида этник жамоаларнинг вужудга келиш жараёни; этногенез этник тарихнинг бошланғич босқичи, халқнинг келиб чиқиши. Масалан, ўзбек халқининг келиб чиқиши.

Этнография, этнология (юнон.) - халқ ҳақидаги фан, халқлар таркибини, келиб чиқиши (этногенези), жойлашуви, тарқалиши (этногеография), турмуш ва урф-одатларини, халқнинг моддий ва маънавий маданиятини, маданий-тарихий алоқаларини ўрганувчи фан.

Этноним (юнон.) - халқларнинг номларини англатувчи атама.

Этнографизм – бирор манба (масалан китоб)да этнографик ўзига хосликларнинг мавжудлиги, тавсифлар, тафсилотлар.

Этножуғрофия – этнологиянинг бир қисми бўлиб, ўтмишда ва ҳозирдаги этнослар тарқалишининг ўзига хос томонларини ўрганади.

Этноижтимоий – этник ва ижтимоий омилларнинг шартли уйғунлашиши.

Этнократизм – кенг маънода миллий масалани ижтимоий ривожланишнинг бошқа барча муаммолари ичида устувор еканлигини англатади, тор маънода бир ёки бир неча миллий гуруҳнинг бошқалари устидан ҳукмронлигини билдиради.

Этнолингвистика – халқ, қабила руҳий, этник ва ҳоказоларни ўзига хосликларини тадқиқ этувчи, улар тил тизимини ўрганувчи тилшуносликнинг бўлими.

Этнология (юнон-тушунча, шунингдек халқ ҳақидаги таълимот) – этнографияга яқин бўлган тушунча, лекин ундан фарқли ўлароқ халқлар маданиятининг ривожланиши, умумлаштирувчи илмий соҳадан иборатдир. Бунда этнография аввало тавсифий фан саналади, шу билан бирга умумлаштиришнинг муайян даражасини инкор этмайди. Турли мамлакатларда бу фан турлича номланади. Уни кўпинча этнослар ҳақидаги фан, аҳолишунослик, ижтимоий антропология ва ҳоказо тарзда номлайдилар.

Этномартинал шахс – икки миллат ёки элат орасидаги ўтиш ҳолати, оралиқ ҳолатини эгалловчи шахс. Бу чегаравий вазият бўлиб, турли маданиятларнинг бир-бирига таъсири остида индивид шаклланади. Этномартинал шахс иккиланганлик, ички қарама-қаршилик таъсири остида бўлади.

Этнолингвистика (юнон.) - тилшуносликнинг этнология билан боғлиқ бўлиши. Этнолингвистика халқ одатлари, таъсаввурлари, маданияти билан тилнинг ўзаро алоқаси ва таъсирини ўрганади. Шунингдек, тилда акс этган маданий далилларни дини ва махсус

тилларни, табу-тақиқларни, этник ономастикани ва бошқаларни таҳлил қилади.

Этноним (юнон.) - халқларнинг номларини англатувчи атама.

Этнонимика - қабила, халқ ва бошқа этник бирликларни ўрганадиган фан.

Этнос (юнон.) - элат, халқ. Этнологияда уруғ, қабила, элат, халқ, миллат этнос деб юритилади.

Этноцентризм (юнон.) - қандайдир эталон ёки оптимум сифатида намоён бўлувчи этник гуруҳлар анъаналари ва ўз қадриятлари орқали ҳаёт ҳодисаларини идроклаш ва баҳолашдаги этник идроклашга хос хусусият. Инсоннинг барча ҳаётий ҳодисаларини ўзи учун намуна деб билган ўз этник гуруҳи қадриятлари юзасидан баҳолашга мойиллиги; ўз ҳаёт тарзини бошқалар ишидан афзал кўриш.

Этнопсихология – муайян халқ, қабила руҳий тарзини ўрганувчи психологиянинг бир йўналиши.

Этнополитология- этник ва сиёсий ҳаёт ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги фан.

Этнос (юнон)- халқ.

Этнос чегараси – турли тўсиқлар – табиий (тоғ, ўрмон, саҳро, денгиз ва б.) тўсиқлар туфайли юзага келадиган этнослар ўртасидаги фарқ, турар жойга боришнинг қийинлиги, ижтимоий алоқаларнинг муайян турларига қатъий чекловлар ва таъқиқлар, тарқалиш шакли.

Этносиёсий уйғунлашиш- (лотинча Consolido - мустаҳкамлайман) –этнос, этник ташкилотнинг умумий-сиёсий ва ижтимоий мақсадлар учун курашини кучайтириш мақсадида айрим гуруҳларнинг бирлашиши, мустаҳкамланиши, қўшилиши, жипслашиши. Этносиёсий уйғунлашиш асосида этнослар алоқасининг ривожланиши жараёни кучаяди, шунингдек, этнослар

ўртасида йирик этник гуруҳлар шаклланади.

Этносоциология - социология ва этнографиянинг бир-бирига алоқадорлик жиҳатлари туфайли юзага келган илмий йўналиш чегарадош билим соҳаси. Унинг юзага келишига саноати ривожланган мамлакатлардаги этнография фанининг тадқиқот объекти ўзгарганлиги сабаб бўлади, бу мамлакатларда ижтимоий ҳодисаларнинг миллий жиҳатдан кўпайганлиги ва миллий жараёнлар ижтимоий дифференцияси мураккаблашганлиги туфайли буларни анъанавий этнография усуллари билан етарлича ўрганиш мумкин бўлмай қолади.

Этнофор (халқ, элтувчи) - муайян миллат, элат ва қабиланинг этник хусусиятларини ўзида намоён элтувчи вазифасини бажарувчи инсон. Ҳар бир шахс маданиятини ўзи билан элтади, яъни атрофдагиларга унинг хулқ-атвори, нутқи, турмуши, анъаналарининг эътиборли жиҳатларини намоён қилади.

Қабила (араб.) - уруғ, уруғ-аймоқ - бир ота-онадан тарқалган бир нечта уруғ уюшмаси; қабила уруғга нисбатан йирик бўлиб, бир нечта уруғларнинг бирлашувидан ҳосил бўлади; Масалан, ўзбеклардаги минг, найман, қўнғирот қабилалари ва ҳоказо. Бу бирлик ибтидоий жамоага хосдир. Дастлабки қабилалар ўзаро дуал экзогамия, яъни бир-бирига қиз олиб-қиз бериш асосида қариндошлик иплари билан боғланган бир нечта жуфт қудалашган уруғдан ташкил топади.

Қабила (племя) – эндогамияни амалга ошира бориб, олий макраструктурадан иборат бўлди, у ишлаб чиқаришнинг икки тури бўйича қабила ичида доимий алоқада бўлган эндогамия туфайли уруғнинг микроструктурасини ҳам этник жиҳатдан, ҳам хўжалик жиҳатидан бирлаштиради. **Қишлоқ жамоаси** (общинаси)нинг анъаналари советлар давридан олдинги

рус қишлоғи учун хос нарса эди. Чунки бундай жамоага ўхшаш ижтимоий тузилмалар ҳақиқатда нафақат деҳқонлар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида, балки барча халқларда ҳам мавжуд эди. Шунинг учун ҳам совет даври этнографиясида **“қишлоқ жамоаси”** атамасига ўхшаш қўшнилар жамоаси (бундай бегона уруғларнинг ёнма-ён ҳудудий алоқалари кўзда тутилган), кўчманчи жамоа (чорвадорлар учун), **қишлоқ жамоаси, овул жамоаси, айил жамоаси (қишлоқ, овул, айил номидан олинган)** атамалари пайдо бўлади.

Қабилалар иттифоқи (союз племен) –уруғ ёки қўшни қабилаларнинг вақтинча уюшмаси бўлиб, у аввало душман ҳужумини қайтариш учун ташкил топган. Баъзи ҳолларда мудофаа мақсадларида вужудга келган қабилалар иттифоқи ўз фаолиятини давом эттирди, лекин энди ижтимоий-иқтисодий манфаатлар йўлида улар таркибида мавжуд бўлди. Одатда ҳарбий хавф-хатар бартараф этилгач, иттифоқлар тарқалиб кетган.

Қабилалар сиёсий уюшма хусусиятларига эга бўлиб, унга бирлашган қабилаларнинг мавқеига қараб ички иерархия принципига бўйсинган ҳарбий демократия даври номини олди. Бу вақтда оддий сайлаб қўйиладиган йўлбошчи билан бир қаторда қабил аъзолари ёки қабилалар кенгаши томонидан демократик йўл билан сайланадиган ҳарбий бошлиқларнинг ижтимоий роли ортиб боради. Бу иттифоқларни давлатнинг нишонлари (даракчилари), ҳарбий йўлбошчилари эса қирол, кнъяз ҳокимиятининг илк босқичидаги кўриниши деб ҳисоблаш мумкин эди.

Қабила кенгаши (совет племен или племенной совет)- хўжалик ишларини ёки уруғлараро муносабатларни ҳал қилиш ва қабила учун оқсоқолларининг вазият талаби билан бирлаштириб турадиган йиғилишлари, шунингдек фавқулодда

сабаблар (уруш, кўчиш, табиий офат ва шу кабилар) бўйича қабиланинг барча ижтимоий ҳуқуқли барча аъзоларининг умумий йиғилиши.

Қария (старец) – уруғдаги катта авлоднинг ҳурматли вакили, уруғ анъаналарини сақловчи ва уни талқин этувчи. **Оқсоқол** (старейшина)- уруғнинг сайлаб қўйиладиган бошлиғи бўлиб, кўпинча диний ва дунёвий вазифаларни бирга қўшиб олиб борган. Оқсоқол уруғ анъаналари ва урф-одатларига қатъий риоя этилишини кузатиб боради, уруҳ ва қабилаларнинг манфаатларини ҳимоя қилади.

Қабила бошлиғи - қабиланинг барча ишларини бошқарувчи ва унга раҳбарлик қилувчи шахс; қабила бошлиғи қабила оқсоқолларининг кенгашида бообрў, уддабурон ва тадбиркор кишилар орасидан сайланган.

Қабила кенгаши - ҳар қайси қабила муаммоларини махсус кенгаш ҳал этган. Бу кенгаш қабилага бирлашган уруғ бошлиқларидан иборат бўлган, уларнинг энг кексаси қабила бошлиғи қилиб сайланган. Энг муҳим масалалар умумқабила кенгашида кўрилган.

Қабила оқсоқоли - қабиланинг ёши энг улуғ кишиси. Қабила бошлиғи ҳамиша у билан бамаслаҳат иш кўрган.

Қишлоқ жамоаси - ибтидоий жамоа тузумининг сўнгги босқичида, ишлаб чиқариш умумий эгалик қилишга асосланган жамиятдан ишлаб чиқариш воситаларига шахсий эгалик қилишга асосланган жамиятга ўтиш даврида мавжуд бўлган.

Ҳашар (араб.) - йиғмоқ, бир жойга тўпламоқ; ўрта асрларда Мўғулистон, Эрон ва Марказий Осиё халқларининг бир жойга тўпланиб бажариладиган давлат, жамоа ёки айрим феодаллар юмуши (қалъа, қаср қуриш, йўл чиқариш, ариқ қазиш, деҳқончилик ишларида кўмаклашиш; қўшимча сафарбар этилган кишилар). Ўзбекларда уй-жой қуришда, деҳқончилик ва

чорвачилик ишлари ва бошқа юмушларни бажаришда ҳашар кенг қўлланган. Эркаклар ва хотин-қизлар ҳашари - кўмаги ҳозир ҳам Ўзбекистоннинг баъзи жойларида учрайди.

Йўлбошчи (вожд) - қабиладаги ёки қабилалар иттифоқидаги сайлаб қўйиладиган олий шахс. Қабила йўлбошчисининг вазифаси – хўжалик ишларига раҳбарлик қилиш, уруғлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва келишмовчиликларни бартараф этиш, ташқарида қабила манфаатларини ҳимоя этиш, ҳарбий ишга раҳбарлик қилишдир. Одатда ҳарбий демократия даврида қабила йўлбошчисининг дунёвий ва ҳарбий вазифалари сайлаб қўйилган иккита тенг ҳуқуқли йўлбошчи ўртасида тақсимланган. Шунинг учун яна бир карра таъкидлаш керакки, йўлбошчи дунёвий ҳокимиятга, оқсоқол эса ҳам дунёвий, ҳам диний ҳокимиятга бошчилик қилган, бу ҳеч бўлмаганда уруғ жамоасида қоҳинлар ёки шаманларининг алоҳида табақаси пайдо бўлмагунча давом этган. Баъзан ибтидоий жамият олдинги жамиятда йўлбошчилар қабила хусусиятини уруғчилик хусусиятлари билан узвий боғлаб иш кўрганлар. Зеро, қабила иттифоқлари таркибида уруғчилик муносабатларининг анъанавий таъсири параллел ҳолда яшовчи ҳодисадир.

ХУЛОСА

Этнология фанининг методологик асоси тарих фанида ишлаб чиқилган турли манбалардан тўла фойдаланиш ҳамда аниқ материалларни таҳлил этишда тарихий қиёслаш усулини қўллашдан иборатдир.

Тарихийлик дунёқарашларнинг бутун методологик асосини ташкил қилади. Тарихий ёндошиш ҳар бир предметни, шу жумладан айрим фанни ҳам тўғри тушунишнинг бирдан-бир усули ҳисобланади. Шунинг учун этнология фанининг моҳияти ва жамиятда тутган ўрнини белгилаш учун унинг тарихига назар ташлаш ниҳоятда зарур.

Ҳар бир фан дастлаб фактик билимлар тўплайди, кейин уларнинг моҳиятини тушуниб, назарий хулосалар чиқаради. Этнологик билимларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг пайдо бўлиши, зарур маълумотлар тўпланиши, фактлар англаб олиниши бир вақтда содир бўлади.

Этнология фанининг шаклланишида, шубҳасиз, табиий фанларнинг гуркираб ўсиши катта аҳамиятга эга бўлди. Натижада тартибсиз билимлар, шу жумладан, одам тўғрисидаги барча хом, тарқоқ маълумотлар муайян тизимга солинди ва инсоният тарихини ибтидоий даврдан то юксак маданий даражага кўтарилишигача босқичма-босқич аниқлаб олинишига эришиш мумкин бўлди.

«Одам тўғрисидаги фан»нинг тез суръатлар билан ривожланиши ва этнология фанининг мустақил илм соҳаси бўлиб қолиши негизида асрлар давомида тўпланиб келган этнографик билимлар, жаҳон халқлари тўғрисидаги турли маълумотлар, ҳар хил тушунча ва назариялар ётади. Буларнинг тарихини қисман бўлса ҳам билиб олишнинг ўзи муҳим аҳамият касб этади.

Этнологиянинг ютуқлари фақат фан нуқтаи назаридан илмий аҳамиятга эга бўлмасдан, балки амалий масалаларни ҳам ҳал этиш имкониятини беради. Шунингдек, этнографик билимлар ўзбек халқининг ғоят бой маданий меросини янада чуқур ўрганишда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Аминов Б. Этнография оламига саёҳат. Тошкент, 1985.
2. Аҳмедов Б. Тарихдан қисқача изоҳли луғат. Тошкент, «Ўқитувчи», 1977.
3. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи Т., 2007.
4. Ashirov A. Etnologiya: O`quv qo`llanma. Toshkent: «Yangi nashr», 2014.
5. Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология. Ўқув қўлланма. Т. 2007.
6. Бекмуҳамедов Ҳ. Тарих терминлари изоҳли луғати. Тошкент, «Ўқитувчи», 1986.
7. Бўриев О., Набиев А., Шоймардонов И. Этнографиядан қизиқарли саволлар ва жавоблар. Тошкент, 1994.
8. Бўриев О., Шоймардонов И., Насриддинов Қ. Ўзбек оиласи тарихидан. Тошкент, 1995.
9. Бўриев О., Хўжамбердиев Т. Этнология атамаларининг қисқача изоҳли луғати. Қарши. “Насаф” 2004.
10. Жабборов И. М. Этнография ва жаҳоннинг этник қиёфаси. Тошкент, «Ўқитувчи», 1982.
11. Жабборов И. М. Жаҳон халқлари этнографияси. Тошкент, «Ўқитувчи», 1986.
12. Жабборов И. М. Ўзбек халқи этнографияси. Тошкент, «Ўқитувчи», 1994.
13. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни Т.:Шарқ. 2001..

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
ЭТНОЛОГИЯ – ХАЛҚШУНОСЛИК ҲАҚИДАГИ ФАН	5
ЭТНОГРАФИК-ЭТНОЛОГИК ТУШУНЧАЛАР ВА	
АТАМАЛАР.....	11
ХУЛОСА.....	46
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	47

ИЛМИЙ-ОММАБОП НАШР

**ЭТНОЛОГИЯ
ФАНИДАН
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ**
(5120300-Тарих таълим йўналиши талабалари учун)

Нашриёт муҳаррири: Йўлдош Каримов
Мусахҳих: Абдурасул Содиқов
Техник муҳаррир: Шарофиддин Маматов

“Университет”
ГулДУ кичик босмахонаси

Босишга рухсат этилди 22.11.2015 йил.
Офсет қоғози гарнитураси “Arial”.
Қоғоз бичими 60x84. 1/16. Босма табағи 3,0.
Буюртма № 132. Адади 100 дона.

ГулДУ босмахонасида чоп этилди.
Гулистон ш. 4-мавзе ГулДУ бош биноси.